

## МОШ ТАРКИБИДАГИ ОҚСИЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ЭКИШ МУДДАТИНИНГ ТАЪСИРИ

**Минаввар Номоз қизи Аралова**

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

**Нигора Бахриддиновна Амиркулова**

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мошни турли муддатларда экилганда, ҳосилдорлигида содир бўладиган ўзгаришлар ва мош таркибидаги оқсилнинг шаклланишини ўрганиш натижалари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Мош, оқсил, экиш муддати, тупроқ, дуккак, радост, қахрабо.

### АННОТАЦИЯ

**Аннотация:** В данной статье анализируются изменения урожайности маша в разные сроки и результаты изучения образования белка в маше.

**Ключевые слова:** маш, белок, сроки посева, почва, дуккак, радость, кахрабо.

### ABSTRACT

This article analyzes the changes in the yield of mung bean at different times and the results of the study of the formation of protein in mung bean.

**Keywords:** Mash, protein, sowing time, soil, legumes, radost, kahrabo.

**Кириш.** Ҳозирги вақтда юртимизда донли, дуккакли, мойли экинларга катта эътибор қаратилиб экин майдонлари кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда энг асосий муаммолардан бири бу оқсил масаласи, яъни инсониятни оқсилга бўлган талабини қондириш. Бу масалани ечишда дуккакли дон экинларидан мош ўсимлигининг аҳамияти катта. Мошдан озиқ-овқат хилма-хиллиги учун турли таомлар таёрлаш мумкин. Асосий ва такрорий экин сифатида мошни етиштириш экинлар диверсификациясига ёрдам беради ва қисқа давр ичида даромад келтиради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мошнинг 10 нави етиштирилади. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдан ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи устувор йўналиши қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга эътибор қаратилган<sup>1</sup>.

Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мош маҳсулоти Австралия, Австрия, Озарбайжон, Афғонистон, Бельгия, Буюк Британия, Вьетнам, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Ироқ Республикаси, Эрон, Қозоғистон, Қатар, Хитой, Корея, Қирғизистон, Латвия, Монголия, Нидерландия, БАА, Покистон, Польша, Россия, Тожикистон, Тайван, Туркменистон, Туркия, Украина каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Мош *Phaseolus aureus* Roxb ( *Phaseolus* ) бир тури бўлиб, қимматли озиқ-овқат экинларидан ҳисобланади. Озиқ-овқат учун мошнинг уруғи ( дони) фойдаланади. Доннинг таркибида яхши ҳазм бўладиган кўп миқдорда қимматли оқсил (20-24%), азотсиз экстракт моддалар, ёғлар (1-2 %), клечаттка (4-6%), қанд моддаси ва витаминлар мавжуд. Мошнинг генетик маркази Ҳиндистонда жойлашган.

**Ишнинг мақсади ва вазифаси:** Ҳалқимизни озиқ овқат билан таъминлаш, оқсил танқислигини ҳал этиш, ер унумдорлигини ошириш учун мош экинининг турли муддатларда экиб ўстириб, қулай муддатни танлаш.

### **Тажриба ўтказиш тупроқ-иқлим шароити ва услуби.**

Тажриба даласида тадқиқотларини бошлашдан аввал, услубиятга асосан Қашқадарё вилояти Қарши shahri худудидаги тажриба дала майдонидан тупроқ намуналари олиш учун тупроқ чуқури кавланди. Тупроқнинг механик таркиби таҳлил маълумотларининг кўрсатишича турли механик фракциялар миқдори қатламлар бўйича бир- биридан фарқланди. Қуйи қатламларда физик лой миқдори камайиб бориши кузатилди. Агарда физик лой миқдори ҳайдов ости қатламида 46,2% бўлган бўлса, В2 – қатламда унинг миқдори бори йўғи 27,4% га тенг бўлди. Гумуснинг умумий миқдори тупроқ ҳайдов қатламида 0,70-0,85% га тенг бўлган бўлса, қуйи қатламларга томон камайиб бориш тенденцияси кузатилди. Тажриба даласи тупроғи суғориладиган оч-тусли бўз тупроқларда гумус миқдори кўп эмас. Тажриба даласи тупроғи узоқ йиллар давомида ҳайдалиб келинаётган оч тусли бўз тупроқ. Механик таркиби бўйича оғир ва асосан ўртача қумоқ. Ер ости суви 2-2,5 метр чуқурликда жойлашган. Тупроқни сув ўтказиш ва физик хусусиятлари қониқарли,

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги. / Расмий нашр/ - Тошкент: “Адолат”, 2017. – 112 б.



тупроқ унумдорлиги бўйича ўртача. Агрохимиявий таҳлил натижасидан кўринадик, тажриба қўйилган дала тупроғи гумус, ҳаракатчан фосфор билан кам, калий билан ўртача таъминланган. Шунингдек,—Методика Государственных инспекции по сортоиспытаниям сельскохозяйственных культур (М.1971) ҳамда Б.А.Доспехов — Методика полевого опыта (М.Агропромиздат,1985) ва — Дала тажрибаларини ўтказиш услублари (ЎзПИТИ2007) каби методикалардан фойдаланилди. Мошнинг нав танлов кўчатзориди фенологик кузатувлар ўтказилди. Бунда мошнинг ўсув давридаги асосий: униб чиқиши, ғунчалаш, гуллаш, дуккак ҳосил қилиш ва пишиш фазалари кузатилди ва амал даврининг давомийлиги аниқланди.. Пишиш фазаси охирида биометрик кўрсаткичлар аниқланди. Олинган боғламларда ўсимлик бўйи, пастки дуккак жойлашиши, шоҳлар сони, бир ўсимликдаги дуккак сони, дон вази, 1000 та дон оғирлиги аниқланди.

**Тажриба натижалари ва муҳокамаси.** Тажриба учун мошнинг танлаб олинган, Радост ва Қаҳрабо навлари турли муддатларда экиб ўстирилди. Мош апрель ёки май ойида ва такрорий экин сифатида июнь ойининг охирида кенг каторлаб экилади. Катор ораси 60 см. Экиш тизими 60x20, 60x15 булади. Экиш нормаси 0,25-0,40 млн дон уруг экилади. Экиш меъёр шароитга қараб 25-30 кг атрофида белгиланади. Мош дон сеялкаларида, оддий ловия эса маккажухори ёки чигит экадиган сеялкаларида экилади.

Экинлар усув даврида катор ораларига ишлов берилди, озиклантирилади, 3-5 марта сугорилиш мумкин. Гуллаш ва дон туғиш даврида катор сугорилади.

Экинлар ҳосили бир вақтда пишиб етилмайди, дуккаклари усимликни пастки қисмидан юқорига қараб пиша боради. Шунинг учун 75-90% дуккаклари саргайиб етилганда ҳосилни йиғиштиришга киришилади. Биз тажрибамизни куйдаги жадвал асосида олиб бордик.

**Хулоса.** Мош таркибидаги оқсилнинг шаклланиши ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, ҳаво ҳарорати ошганда оқсил миқдори ҳам ошади. Баҳорда экилган мош таркибидаги оқсил ёз ўртасида экилганда қараганда оқсил миқдори кам бўлади. Такрорий экин сифатида дуккакли экин экилиши ҳисобига ҳар гектар майдонда буғдой ва мош ўсимлигидан жами 4,40 тонна анғиз ва илдиз қолдиқлари тупроқда тўпланади. Тупроқдаги қолдиқ анғиз ва илдизлар чириши ҳисобига тупроқдаги гумус миқдори ортади. Натижада тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишга эришилади. Мош таркибидаги оқсилнинг шаклланиши учун қулай экиш муддати бу ёз ойи эканлиги аниқланди.

1-жадвал

Нав гуруҳлари	Минтақалар номи	
	Жанубий	
<i>Баҳорги экиш муддати:</i>		
Радост	20-25 апрель	
Қахрабо	20-25 апрель	
<i>Ёзги (такрорий) экиш муддати:</i>		
Радост	25-30 июнь	
Қахрабо	25-30 июнь	
<i>Экиш схемаси (60 см, бир қаторлик):</i>		
Радост	60-70 x 15	
Қахрабо	60-70 x 15	

## REFERENCES

1. Доспехов Б,А, —Методика полевого опыта, Изд-во «Колос» Москва 1985г
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент.2007 й.
3. Мавланова Р.Ф., Сулаймонов Б.А., ва бошқалар. Мош етиштириш технологияси Т., 2018 йил
4. Турсунов С. Ўсимликшунослик.Т., “Ижод-пресс”,2019.
5. Мош етиштириш технологияси. Тавсиянома. Тошкент-2018
6. Орипов Р., Халилов Н. Ўсимликшунослик. – Тошкент.: 2006. –Б.245-248